

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№29

2024-yil
24-iyul, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



✓ ХДП ташаббуси

ҚОНУНИЙ ЕЧИМГА МУҲТОЖ

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида тараққиётга элтувчи йўналишлардан бири – барқарор иқтисодий йўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашда уй-жой сиёсатига ҳам муҳим ўрин берилган. Бу бежиз эмас. Юртимизда демографик кўрсаткичларнинг жадал ўсиб бораётгани, қолаверса, халқимиз шахсий уй-жойга эга бўлишни муносиб ҳаёт



кечиришнинг асосий шартларидан деб билиши айти масалага узоқни кўзлаган ҳолда пухта ёндашувни талаб қилмоқда.

3

✓ Парламент фаолияти

ОҚИБАТ БИЛАН КУРАШМАЙ,

ПРОФИЛАКТИКАГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Тушгача икки, тушдан кейин эса яна бир соат. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ана шу тартибда бўлиб ўтди. Унда қизгин муҳокама этилган қонун лойиҳаларидан айримларини кўриб чиқамиз.



4

✓ ЎзХДП ҳаётидан

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ

АНЧА УЙҒОҚ

Инсон қадр ва манфаатлари устуворлигига қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг қуйи бўғинлардан бошлаб ҳаётий тасдиғини топиб бориши кўп жиҳатдан халқ депутатлари кенгашлари фаолиятига, вакиллик ҳокимиятининг ўзгаришига, янада аниқроқ айтганда, юрагида ўти бор, фидойи депутатларга боғлиқ.

✓ Электорат манфаати

ЎЗИНИ БАНД ҚИЛГАН ОДАМЛАР

ВА УЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР

Барчамизга маълумки, ўзини ўзи банд қилиш институти, хусусан, фуқаролар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш орқали пенсия учун зарур меҳнат стажини ҳисобга олиш тизими жорий қилинган. Бу тизим қарийб тўрт йилдан бери фуқароларимизга келажақда муносиб ижтимоий ҳимояга эга бўлиш имконини яратишга хизмат қилмоқда.

4

✓ Сиёсий пульс: МУНОСАБАТ



Ўзбекистон ва Қирғизистон:

ДЎСТОНА ВА АҲИЛ

ҚЎШНИЧИЛИК

муносабатлари

ривожланмоқда

2

✓ Фахрийлар мактаби

Рашид ака

НИМА ДЕЙДИ?

ЭРТА ТОНГ ШАҲРИСАБЗДАН БАРВАҚТ ЙЎЛГА ЧИҚИБ, ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ БИР ЧЕККАСИДА, ҚАШҚАДАРЁ УЗРА ҚУРИЛГАН ҚАДИМИЙ ВА ЯНГИ КЎПРИК ЁҚАСИДАГИ ОБОД ХИЁБОНГА ЕТИБ КЕЛДИМ. МАШИНАМНИ БИР ЧЕТДА ТЎХТАТДИМ. УЗОҚДАН ДАРАХТЗОР ЙЎЛАГИДАН КЕЛАЁТГАН РАШИД АКАГА КЎЗИМ ТУШДИ. ИЛИҚ КЎРИШИБ, СЎРАШДИК. НЕГАДИР МЕНГА БОШДАН-ОЁҚ РАЗМ СОЛДИ.



«АЁЛЛАРГА КЎМАК»

ЛОЙИҲАСИ ҚОНЛИКЎЛДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши томонидан Қонликўл тумани "Сары алтын" овул фуқаролар йиғини ҳудудида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, турли ҳил касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида «Аёлларга кўмак» лойиҳаси ўтказилди.

5



SIYOSIY PULS: MUNOSABAT

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН:

Дўстона ва аҳил қўшничилик муносабатлари ривожланмоқда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЯҚИН ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР СИФАТИДА УЗОҚ ЙИЛЛИК ЯГОНА ТАРИХ, ЎХШАШ МАДАНИЯТ, МУШТАРАК ТИЛ ВА ЎЗАРО ҲАМОҲАНГЛИК КАСБ ЭТУВЧИ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАЛАР УЙҒУНЛИГИ БИЛАН БИР-БИРИГА ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН. МАЪЛУМКИ, ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР 1993 ЙИЛ ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ, ТО ШУ КУНГА ҚАДАР ЯҚИН БИРОДАРЛИК АЛОҚАЛАРИ АСОСИДА МУСТАҲҚАМЛАНИБ БОРМОҚДА. УШБУ ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ ТУРЛИ ХИЛ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИДАН ЎТИБ, САЙҚАЛЛАНИБ, СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛГАН ҲОЛДА, АНИҚ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИДИ.

Айни пайтда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли томонлар кўплаб долзарб масалаларни бартараф этиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ижобий ўсиш суръатига эришди. Сўнгги йилларда, айниқса, Ўзбекистон – Қирғизистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарилди, ҳамкорлик кўлами барча йўналишларда кенгайди.

Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада, яъни 18 июль куни давлатимиз раҳбари тақлифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Ушбу ташриф ҳам икки давлатлараро муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим сиёсий ҳодиса бўлди, десак муболаға саналмас.

16 ТА ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаров ўртасида бўлиб ўтган музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди, дея хабар берди Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати.

Давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида қўшма баёнотни имзолади. Ташриф давомида 16 та ҳужжат имзоланди. Жумладан:

– **Қирғиз Республикасининг Ис-сиққўл вилояти ҳудудида жойлашган курорт-ҳордиқ хўжалиги объектлари бўйича ҳукуматлараро битим;**

– **Фуқароларнинг ўзаро келиб-ке-тишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома;**

– **Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўли-ши бўйича икки томонлама музокара-ларни якунлаш тўғрисида баённома;**

– **Қурилиш фаолияти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;**

– **Меҳнат, аҳоли бандлиги ва ми-грация соҳасидаги ҳамкорлик тўғри-сида баённома;**

– **Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;**

– **Давлат хизмати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;**

– **2024–2030 йилларда ўзаро сав-до ҳажмини ошириш бўйича чора-тад-бирлар режаси;**

– **2024–2026 йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳамкор-ликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;**

– **2024–2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривож-лантириш бўйича «йўл харитаси»;**

– **2024–2026 йилларда Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;**

– **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар ин-ститути ҳамда Қирғиз Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ташаббуслар миллий институти ўрта-сидаги меморандум ва бошқалар.**

"ХИТОЙ - ҚИРҒИЗИСТОН - ЎЗБЕКИСТОН" ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛАДИ

Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг тор до-ирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки мамлакат ҳамкор-лигининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бу галги ташриф самараси ўлароқ қайта тикланувчи энергия манбалари, автомобилсозлик ва тўқимачилик соҳа-ларида кооперация лойиҳалари ишга туширилади.

Стратегик аҳамиятга эга минтақавий лойиҳаларни, жумладан, "Хитой - Қирғиз-истон - Ўзбекистон" темир йўли ва Қам-барота ГЭС-1 қурилишини тез фурсатда амалга ошириш масалаларига устувор эътибор қаратилди.

Транспорт ва энергетика инфрату-зилмасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳа тақлифлари кўриб чиқилди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкор-ликни, жумладан, Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши доирасида янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади-лар.

Шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, хавфсизлик ва бошқа соҳа-ларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Маданий-гуманитар алмашинув фаол-лашгани мамнуният билан қайд этилди. Бу ҳафта мамлакатимизда Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилмоқда. Куни кеча Самарқандда иккинчи Ректорлар форуми муваффақиятли ўтказилди. То-монлар келгуси йилларга мўлжалланган маданий тадбирлар тақвимини тайёрлаш-га келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартибидаги томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳам фикр алмаш-дилар.

ҚИРҒИЗИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР ҚАДИМИЙ ХИВАНИ ТОМОША ҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров икки мамлакат биринчи хонимлари билан биргаликда Хива шаҳридаги Ичан қалъа мажмуаси ва Нуриллабой сарой мажмуасига ташриф буюрди.

Хива шаҳри 1990 йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритил-ган, 1997 йилда унинг 2500 йиллиги нишонланган. Шаҳар 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти, 2024 йилда эса Ислон дунёсининг туризм пойтахти бўлди.

"Очиқ осмон остидаги музей" сифати-да танилган Хива яхлит ёдгорлик сифа-тида Марказий Осиёда сақланиб қолган ягона шаҳар ҳисобланади. Бу ерда 120 дан ортиқ меъморий обидалар жойлаш-ган.

Олий мартабали меҳмонлар танишувни "Ота дарвоза"дан бошлаб, ноёб "Кўхна арк" мажмуаси, Шерғозихон мадрасаси, Жума масжиди, "Тошқовли" мажмуаси ва бошқа обидаларда давом эттирди.

Меҳмонлар шарафига ўзбек халқ қў-шиқлари янграб, театрлаштирилган томо-ша намойиш этилди.

Шундан сўнг Нуриллабой саройига ташриф буюрилди.

Сарой-боғ мажмуаси XX аср бошларида бунёд этилган. Мажмуа мадраса, 100 дан ортиқ хоналар, галереялардан иборат. Сарой хоналарини безашда хивалик моҳир усталар билан бирга чет эллик рассом-декораторлар ҳам иштирок этганлар, улар саройнинг шарқона қиёфасига Европанинг модерн услубини сингдирганлар.

Хива тарихи ва унинг фан ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, ҳудуднинг бой маданияти ва санъати ҳақидаги ҳикоя-лар қирғизистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Икки кунлик ташриф доирасида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди, уларнинг якунида етакчилар Кенг қамровли стратегик шериклик муно-сабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида қўшма баёнотни имзоландилар.

Икки томонлама ҳужжатларнинг сал-моқли тўплами қабул қилинди. Энерге-тика, автомобилсозлик ва тўқимачилик соҳаида йирик қўшма лойиҳаларга старт берилди.

ХДП ДЕПУТАТЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?



Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида-ги дипломатик алоқалар ўрнатилганига 30 йилдан ошди. Яъни, 1993 йилдан бери ўзаро муносабатларни тартибга солуви 250 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди.

Айтиш керакки, икки давлат ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам яхшиланган. Самарали ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг миллий манфаатларига тўлиқ мос тушади. Ҳозирги пайтда илгари кузатилмаган олий ва юқори даражадаги доимий сиёсий мулоқотни кўришимиз мумкин. Аслида бу икки қўшни мамлакат учун хосдир. Шу қаторда икки дав-лат ўртасидаги мунтазам учрашувлар, жум-ладан, БМТ, МДХ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва қатор халқаро тузилмалардаги иштироки ўзаро муносабатларнинг юқори даражасини намоён этади.

Ўтган ҳафта Қирғизистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи икки давлатлараро муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига сўзсиз хизмат қилади. Давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик муноса-батларини янада чуқурлаштириш ва кенга-йтириш тўғрисида қўшма баёнотни имзолагани муҳим воқелик бўлди.

Учрашув давомида ўзаро савдо ҳаж-мини ошириш дастури қабул қилинди. Бунга кўра мамлакатларимиз пойтахтла-рида савдо уйлари ташкил этилади, яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 2

» **ЕТАКЧИЛАР САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИДА, ЭНГ АВВАЛО, ИККИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРАДИГАН ТАРМОҚЛАРДА ЯНГИ ЎСИШ НУҚТАЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ТЎХТАЛДИЛАР. БУЛАР ЭНЕРГЕТИКА, АВТОМОБИЛСОЗЛИК, ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ТЎҚИМАЧИЛИК, АГРОСАНОАТ ВА БОШҚА ТАРМОҚЛАРДАГИ ЛОЙИҲАЛАРДИР.**

миллиард долларга етказиш учун узоқ муддатли экспорт-импорт шартномалари портфели тайёрланади. Экспортни кўл-лаб-қувватлаш ва сертификатларни тан олиш воситалари жорий этилади, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари учун "яшил йўлак" ишга туширилади.

Етакчилар саноат кооперациясида, энг аввало, икки мамлакат иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида янги ўсиш нуқталарини яратиш масалалари-га алоҳида тўхталдилар. Булар энергетика, автомобилсозлик, транспорт ва логистика, электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалардир.

Фарғона ва Наманган вилоятларида куёш станцияларини қуриш, Чуй вилоятида автомобиллар, Қора-Балтада тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича муҳим лойиҳаларга старт берилди.

Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон — Қирғизистон та-раққиёт жамғармасининг устав капиталини 200 миллион долларга етказишга қарор қилинди.

Ҳудудлар ўртасидаги тизимли мулоқотни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши ишини фаоллаштиришга келишиб олинди. Ўзаро ташрифлар жадвали тайёрланиб, ҳамкор-лик бўйича "йўл хариталари" янгиланади. Лойиҳалар портфелини йил якунига қадар 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Кўришиб турибдики, вазифлар кўлами ниҳоятда кенг, ҳамкорликда белгиланган истиқболли режаларнинг салмоғи ҳам кат-та. Буларнинг бари биз учун ҳам, қардош қўшнимиз Қирғизистон учун ҳам манфаатли бўлишига ишонамиз.



Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга ташри-фи ҳамда икки давлат Президентларининг учрашувлари икки халқнинг дўстлиги, қўш-ничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, турмуш фаровонлигининг юксалишига хиз-мат қилади.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида савдо ва минтақавий хавфсизликдан тортиб, маданий-гуманитар алмашинувларгача бўл-ган кенг кўламли икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида ўзаро ҳамкорлик-нинг турли йўналишларини қамраб олган 16 та ҳужжат имзоланганининг ўзидек ушбу ташриф нечоғли катта аҳамиятга эга бўлган-дан далолат беради.

Томонлар минтақада транспорт боғлиқ-лигини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги сазй-ҳаракатларни фаоллаштиришга кели-шиб олдилар.

Маълумки, жорий йилда Хитой, Қирғиз-истон ва Ўзбекистон "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида узоқ вақтдан бери релаштирилган темир йўл лойиҳаси бўй-ича шартнома имзолади. Бу Хитой ва Европа ўртасидаги савдо йўлини сезиларли дара-жада қисқартиради. Шу маънода айтадиган бўлсак, «Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон» те-мир йўлини қуриш стратегик лойиҳаси фаол инвестиция сиёсати, бизнес учун жозибатор шароитларни яратишда муҳим чорраҳа си-фатида аҳамиятлидир. Ҳар икки давлат ҳам денгизга чиқиш имкониятига эга эмаслигини инobatга олсак, лойиҳанинг тугалланиши Ўзбекистон ва Қирғизистонга Жанубий Осиё ва Яқин Шарқнинг асосий бозорларига ки-риш имкониятини кенгайтиради. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг мазкур лойиҳа бўй-ича ташаббуслари, бу борадаги дўстона ва барқарор муносабатлари Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликни стратегик чуқурлаштиришнинг янги bosқичига қадам қўйганини аниқлатади.

Умуман, Қирғизистон Президентининг бу галги ташрифи ҳам жуда самарали ва манфаатли якунланди. Муҳими, икки мамлакат ўртасидаги изчил ва дўстона ҳамкорлик икки қардош халқни бир-бирига янада яқинлаштиришга, биродар-лик, қўни-қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланишига хизмат қилади.

"Ўзбекистон овози" муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

ҚОНУНИЙ ЕЧИМГА МУҲТОЖ



Абдуҷаббор ОЧИЛОВ,
ХДП Юнусобод туман Кенгаши
депутати:

“ЎЗБЕКИСТОН-2030” СТРАТЕГИЯСИДА ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА УЙ-ЖОЙ СИЁСАТИГА ҲАМ МУҲИМ ЎРИН БЕРИЛГАН. БУ БЕЖИЗ ЭМАС. ЮРТИМИЗДА ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЖАДАЛ ЎСИБ БОРАЁТГАНИ, ҚОЛАВЕРСА, ХАЛҚИМИЗ ШАХСИЙ УЙ-ЖОЙГА ЭГА БЎЛИШНИ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИДАН ДЕБ БИЛИШИ АЙНИ МАСАЛАГА УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА ПУХТА ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА.

Инсонпарварлик тамойиллари билан йўғрилган Бош қомусимизда ҳам ҳар қимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилганки, бу норманинг амал қилиши пировардида ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилалар манфаатини таъминлаб, одамларимизнинг бугунги кундан, олиб борилаётган ислохотлардан розилик даражасини оширишга, жамиятда неқбин кайфиятнинг ҳукми суришига замин яратлади.

Чиндан ҳам инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари, энг аввало, муқим ва қулай бошпанага эга бўлишдан бошланади. Уйнинг бўлса, ўйинг бўлмайди, дейди кўпни кўрган нуронийларимиз. Кўнгил тинчлиги, рўзгорнинг бутлиги, ҳаётдаги ҳаловатни уй-жойсиз тасаввур қилиш мушкул.

Айнан шу омиллар сўнги етти йилда уй-жой қуриш соҳасида туб ўзгаришларга туртки берганини бугун республикамиз шаҳар ва қишлоқ туманларида қад ростлаган ҳамда қад ростлаётган юзлаб, минглаб замонавий турар жойлар мисолида яққол кўриб турибмиз.

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР

Уй-жой сиёсати дунё миқёсида глобал тенденциялардан бири, десак янглишмаймиз. Чунки аксарият давлатларда уйсизлик ўткир ижтимоий муаммо сифатида бўй кўрсатмоқда. Ҳозирда сайёрамизда миллионлаб инсонлар вақтинчалик бошпаналарда, қочқинлар лагерларида ва бошқа муваққат уй-жой билан таъминланганлик даражаси жон қуришда кечираётгани ҳамда улар сони тобора ошиб бораётгани барчамизга маълум. Яна бир миллиард одам росмана уйсиз экани, 150 миллионга яқин болалар кўчада яшаётгани аниқ рақамларда келтирилмоқда. 2050 йилга бориб уйсизлар сони уч миллиардга етиши тахмин қилинапти. Уйсизлик муаммоси асосан арзон турар жойлар етишмаслиги, қашшоқлик, ишсизлик, оилаларнинг бузилиши, гиёҳвандлик каби ижтимоий-иқтисодий оқибатлар билан чарбарчас боғлиқ бўлиб, бу муаммо ривожланган давлатларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ушбу ўлкаларда жуда абгор аҳволдаги бутун бир бошли уйсизлар манзиллари бор.

Мамлакатимизда эса, юқорида келтирилганимиздек, уй-жой қурилиши кўлами шитоб билан кенгайиб бораётгани одамларимиз учун янги-янги имкониятларни яратиб бермоқда. 2017 йилдан 2023 йилга қадар юртимизда нақд 326 мингта янги уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилгани, тарихан кўз очиб-юмгулик бу вақт ичида аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси жон бошига 18 фоизга ошгани бунинг исботидир. 2024 йилда эса яна 2 минг 152 та кўп қаватли уй-жой барпо қилиб, 100 мингдан зиёд хонадонни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шу билан бир қаторда республикада 53 та “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилмоқда. Жорий йил охиригача ушбу массивларда 31,4 минг

хонадондан иборат 767 та кўп қаватли уй, шунингдек, 13,5 минг ўринли 60 та мактабгача таълим ташкилоти, 48 минг ўринли 44 та умумтаълим мактаби ва 33 та оилавий поликлиника қурилиши давлат дастурларига киритилган. Ўз навбатида уй-жой қураётган пудрат ташкилотлар айланма маблағи учун бюджет ҳисобидан тижорат банкларига 2023 йилда 192 млрд сўм, 2024 йилда эса 500 млрд сўм ажратилган.

Бу рақамлар, шубҳасиз, Ўзбекистонда уй-жой сиёсати тизимли йўлга қўйилгани, уйсизликни, камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари долзарб вазифаларнинг олд қаторига тургани, алалоқибат, одамларимизнинг турмуш сифати ва даражасини оширишга устувор эътибор қаратилаётганини далиллайди.

РАҚОБАТ-КУ БОР, АММО...

Глобал бозор ахбороти соҳасида таҳлилий тадқиқотлар олиб борувчи Research and Market компанияси маълумотларига кўра, 2023 йилда жаҳон қурилиш бозори ҳажми 10,8 триллион АҚШ долларидан ошган. Бу кўрсаткич 2028 йилга келиб 16,5 триллион долларлик маррадан ўтиши кутилмоқда. Глобал қурилиш бозорининг йиллик ўсиши ўртача 8,91 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишдаги қамров йилдан-йилга ўсиб бораётгани кундай равшан. Статистика агентлиги маълумотлари 2023 йилда тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат миқдори 62 триллион сўмдан ортгани, бу 2022 йилга нисбатан 6,4 фоизга кўп эканини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда қурилиш ишлари, хусусан, уй-жой қуриш 2020 йилдан эътиборан нодавлат сектор қўлига ўтди ва бу аҳолининг турар жойга эҳтиёжини тўлақонли қондиришга, соҳада рақобат муҳитини юзага келтиришга хизмат қилмоқда. Бугун деярли ҳар қадамда бунёдкорлик амалга оширилаётгани, айниқса, замонавий инфратузилмага эга кўп қаватли уй-жойлардан иборат янги массивларнинг пайдо бўлаётганида хусусий пудрат ташкилотларнинг ўрни ва ролини эътироф этиш жоиз, албатта. Ҳозирда Ўзбекистонда урбанизация даражаси 51 фоизга етгани, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда яшаётгани – бу ўз-ўзидан бўлган жараён эмас. Ваҳоланки, 2018 йилда урбанизация кўрсаткичи 40 фоизга ҳам етмаган.

Шаҳарсозликни ривожлантиришда, кўп хонадонли уй-жойлар барпо этишда салоҳиятли, бой тажрибага эга хусусий пудрат ташкилотлари сафи оз эмаслигини таъкидлаган ҳолда аҳоли маблағларини жалб қилган айрим тадбиркорлик субъектларининг шартнома шартларини ўз вақтида ва сифатли бажармаётгани билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учраётгани таассуфли. Бошқача айтганда, янги қурилаётган кўп қаватли турар жойдаги хонадон учун бошланғич бадал пулини тўлаб, бу уй битишини йилларки кутаётган, бор маблағини ижара тўлови учун сарфлаб, оғир моддий шарт оидта қолаётган оилалар ўйлаганимиздан ҳам кўп бўлиши эҳтимолга

яқин. Ахир кўп қаватли уй-жой қуриш билан шуғулланиш давомида одамларни чув тушириб, фирибгарликда айбланган қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳақидаги ахборотларга ОАВда, Интернет нашрларида бот-бот дуч келаётганимиз бор гап. Оқибатда эса йиллаб пешона тери билан йиққан пулидан айрилган, уйсиз қолган юртдошларимиз ўз манфаатларини таъминлаб беришни сўраб ҳукумат идораларига бош сўқмоқда.

ЭНГ КАТТА “ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ” - ҚУРИЛИШДА

Шу йилнинг 17 июль куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари “Энг катта “хуфёна иқтисодиёт” ҳам қурилишда”, дея соҳада соғлом рақобатни яратишга тўсик бўлаётган омилларга эътибор қаратди.

Ёдингизда бўлса, бундан аввал ҳам, аниқроғи, 16 январда бўлиб ўтган йиғилишда Президент қурилишда 50 триллион сўмлик маҳсулот “соёда қолаётгани”ни танқид қилиб, Тошкент шаҳридаги “VM Group” қурилиш компанияси атиги уч нафар ходими билан умумий қиймати 20 млрд сўмлик 62 хонадонли турар жой барпо этганини мисол сифатида келтирган эди.

Мана шундай қонунбузилишларни бартираф этиш, уй-жой қуриш сиёсатини самарали рўёбга чиқаришда тушов бўлаётган муаммоларга барҳам бериш учун соҳада сифат ва тартибни кучайтириш кун тартибидagi масала ҳисобланмоқда. Шунга кўра, эндиликда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳукумат таркибига ўтказилиб, ваколатлари кенгайтирилиши, руҳсатсиз ёки лойиҳадан четга чиқиб қилинаётган қурилишлар бўйича жазо чоралари кучайтирилиши, янги лойиҳаларда тадбиркорлар учун электр ва газдан техник шартлар олишда инсон омилли иштирок этмай, тизим рақамлаштирилиши белгиланди.

Қутилаётган бундай ўзгаришлар бугун ҳам қурувчига берган пулини қайтариб олиш илинжида судма-суд юрган юртдошларимиз қалбига мужда улашгани, уй-жой қуриш соҳасидаги бўшлиқлар барҳам топишига одамларимизда умид уйғотгани рост.

Лекин маҳаланинг яна бошқа бир томони бор: кўчмас мулк бозоридagi муносабатлар қонунчилик даражасидаги ислохотларга муҳтож ва бунинг учун биринчи галда халқ вакилларида ташаббусни, фаоллик ва яхши маънода жонсараклини кутаямиз.

» **ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ТУРАР ЖОЙЛАРНИ ҚУРИШДА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН АҲОЛИ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА “УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАШАББУСИ ҲАМ АЙНИ ШУ ЭЗГУ МАҚСАДНИ КЎЗЛАЙДИ.**

- Мамлакатимизда 1 июль ҳолатига кўра, қурилиш соҳасида 53 минг 380 та корхона рўйхатдан ўтган. Айнан қурилиш корхоналари сонидa ўсиш динамикаси йил сайин жадал кўтарилиб бораётгани эркин бозор шароитида улarga талаб борлигини, шунга мос равишда бунёдкорлик ишлари жуда катта қамров касб этаётганини кўрсатади. Бироқ бу корхоналарнинг миқозлар олдидаги мажбуриятларини бажаришни қонуний тартибга солиш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турибди. “Нима учун?” деган савол туғилади.

Биламизки, амалиётда ҳали қурилиши бошланмаган ёки тугалланмаган уй-жойлар учун қурилиш корхонаси билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш, ҳали ҳатто котловани ҳам қазилмаган уй учун олдиндан пул тўлаш ҳолатлари учрайди. Аксарият ҳолларда бундай битимлар умуман суғурталанмапти. Миқозлар баъзан ҳеч қандай юридик кучи ҳам бўлмаган шартномага ишониб, миллион-миллион сўмларини қурилиш корхонасига топшириб қўймоқда. Бундай таваккалчилик эса баъзан одамларнинг сарсонгарчилигига олиб келяпти. Уш шартномани тузган қурилиш корхонаси негадир бирдан банкрот бўлиб қолиши ёки бююртмачи пуллари талон-торож қилиши каби ҳолатларни инкор этолмаймиз. Ёки юрист сифатида сўнги пайтларда “уй-жой қурувчи” ниқоби остида фирибгарлар кўпайганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Улар уй-жойга бююртма берувчилар пулини банкдаги ўзининг ҳисобрақамига ўтказиб оляпти-да, ғойиб бўляптилар. Тўғри, қонун доирасида ушланиб, жавобгарликка тортилишмоқда, лекин ўртада асосий ютқазаетган - бу оддий одамлар бўлиб қоляпти. Хуллас, мана шундай ҳолатларга нуқта қўйишнинг, истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг қонуний механизмини такомиллаштириш давр талабига айланади.

Кўчмас мулк соҳасида бу муаммоларнинг олдини олиш учун дунё тажрибасидан ўтган эскроу тизимини тезроқ амалиётга татбиқ этиш, кафолатни банк зиммасига ўтказиш керак.

Эскроу - бу маълум шартлар бажарилгунча қадар пул сақланадиган банкдаги махсус ҳисобварақ бўлиб, айтилик қурилаётган уйга бююртма берувчи ўз пулини эскроу ҳисобрақамига кўяди ва сотувчи (қурилиш корхонаси) фақат шартномадаги мажбуриятларини бажарганидан сўнг уни олиши мумкин. Кўриниб турибдики, уй-жой қуришни эскроу ҳисобрақами асосида молиялаштириш аҳоли манфаатини кафолатлайди.

Халқ демократик партиясининг турар жойларни қуришда жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш мақсадида “Улуш киритиш асосида уй-жой қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ташаббуси ҳам айни шу эзгу мақсадни кўзлайди. Бунда уй харидорлари пулини махсус эскроу ҳисобрақамга жойлаштириш ва қурилиш корхонасининг шартномадаги мажбуриятларини бажаришига қараб, босқима-босқич маблағларни олиши тартибини жорий этиш қонуний асосда мустаҳкамланади.

Унутмайлик, одамларимиз ҳаётининг узвий ҳама ажралмас қисми бўлган уй-жой сиёсатида қонун ва адолат устуворлигига эришиш халқпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ELEKTORAT MANFAATI

ЎЗИНИ БАНД ҚИЛГАН ОДАМЛАР

ВА УЛАРНИ
ЎЙЛАНТИРАЁТГАН
МУАММОЛАР

Малика ҚОДИРХОНОВА,

**Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик
масалалари қўмитаси раиси:**

**— ЎЗБЕКИСТОН НАФАҚАТ
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ,
БАЛКИ ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК
МУХТИНИ ЯРАТИШДА САМАРАЛИ
ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ЮРИТАЁТГАН
МАМЛАКАТ СИФАТИДА НАМОЁН
БЎЛМОҚДА.**

**КУНИ КЕЧА ДАВЛАТИМИЗ РАХБАРИ
ТОМОНИДАН ЎТҚАЗИЛГАН СЕЛЕКТОР
ЙИГИЛИШИДА 2024 ЙИЛНИНГ
БИРИНЧИ ЯРМИДА ЯЛПИ ИЧКИ
МАХСУЛОТ 6,4 ФОИЗГА ЎСГАНЛИГИ
ҚАЙД ЭТИЛДИ.**

Барчамизга маълумки, ўзини ўзи банд қилиш институти, хусусан, фуқаролар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш орқали пенсия учун зарур меҳнат стажини ҳисобга олиш тизими жорий қилинган. Бу тизим қарийб тўрт йилдан бери фуқароларимизга келажақда муносиб ижтимоий ҳимояга эга бўлиш имконини яратишга хизмат қилмоқда. Расмий секторда банд бўлганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда шахсий меҳнатга асосланган, ўзини ўзи банд қилган шахслар шугўлланиши мумкин бўлган 100 дан зиёд фаолият (ишлар,

хизматлар) турлари мавжуд.

Рўйхатга олиш хабар бериш тартибидан ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинди.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга 100 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилиши белгиланди.

2020 – 2023 йиллар давомида 2,5 млн дан зиёд фуқаро, шундан 44 фоизи (1 105 366 нафари) аёллар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинган. Ушбу кўрсаткичнинг 64 фоизи (1 639 696 нафарни) 2023 йилда рўйхатга олинган шахслардир.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 6 ОЙ ДАВОМИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР

1,3 млн нафардан (1 333 120 нафар) ошди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 162,6 фоизга ошган.

Кўриб турганимиздек, мазкур тизим аҳоли орасида оммалашиб бормоқда.

Соҳа кесимида таҳлил қилганимизда 45 фоизи маийий хизмат кўрсатишда, 19 фоизи қишлоқ хўжалигида, 14 фоизи ижтимоий йўналишида, 10 фоизи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда,

9 фоизи санонат йўналишида, 3 фоизи ахборот коммуникация йўналишида ва бошқа соҳаларда бандлиги аниқланди.

Ёши бўйича таҳлил қилинганда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 фоизни, 30-55 ёшгача бўлганлар 78 фоизни ҳамда 55-65 ёшгача бўлганлар 3 фоизни ташкил қилмоқда.

ХАЛИ ҲАМ МУАММОЛАР БОР

Аҳоли билан мулоқотлар, уларнинг муносабатлари, жойлардаги ўрганишлар, тармоққа оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили айрим муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.



Биринчидан, жорий қилинган тизимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида етарлича тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмаётгани сабабли ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинганлар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш даражаси пастлигича қолмоқда. Хусусан, 2020–2023 йилларда рўйхатга олинганларнинг фақатгина 13 фоизи (336 минг, шу жумладан, 131 минг аёл) ижтимоий солиқ тўловини амалга оширган, холос.

Шунингдек, 2023 йилда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган 65 мингга яқин (64 892 нафар) фуқароларга ўзини ўзи банд қилиш учун 313 млрд сўм субсидия ажратилган бўлиб, даромад олиш манбаи яратилган бўлса-да, уларнинг 88 фоизи ижтимоий солиқ тўловларини амалга оширмаган.

Иккинчидан, ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам миқдорда солиқ тўланган ҳолларда уларга тегишли йил учун меҳнат стажини ҳисобланмаган ва тўланган суммани солиқ тўловчига қайтариш амалиёти ҳам йўлга қўйилмаган.

Учинчидан, қонунчиликка мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахслар ижтимоий солиқ тўловини ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар амалга оширишлари лозим. Амалда мазкур санадан кейин (1–31 декабрь оралигида) солиқ тўлаган шахсларга тегишли йил учун меҳнат стажини ҳисобланмаган. Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг 70 мингга яқини 1–31 декабрь оралигида ижтимоий солиқ тўловини амалга оширган.

Тўртинчидан, қонунга мувофиқ аёллар 55 ёшга, эркаклар 60 ёшга тўлганида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камда 7 йил иш стажини мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга муносиб миқдорда тайинланиши белгиланган.

2022 йил 1 ноябрдан меҳнатга лаёқатли аҳолини рўйхатга олиш ва ҳисобини юрийтиш тартиби жорий қилинган, шу ҳужжатга биноан солиқ органларининг электрон тизимида 55 ёшга тўлган аёллар ҳамда 60 ёшга тўлган эр-

каклар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўта олмайди. Бу эса ёшга доир пенсия тайинлаш учун зарур бўлган меҳнат стажини етарли бўлмаган ҳолларда айнан ўзини ўзи банд қилиш орқали меҳнат стажига эга бўлиш имкониятини чекламоқда.

Мисол учун: пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган 55 ёшга тўлган аёлларда ва 60 ёшга тўлган эркакларда 7 йил стажига 5 кун етмаса ҳам ўзини ўзи банд қилиш орқали меҳнат стажига эга бўлиш имкони йўқ.

ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАКЛИФЛАР

Ҳуқуматга юборилган парламент сўровида юқоридаги масалалар ечимига қаратилган бир неча таклифлар илгари сурилди. Хусусан:

1. Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ижтимоий солиқ суммаси белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолларда меҳнат стажини тўланган солиқ миқдорига муносиб равишда инobatга олиш ёки тўланган суммани солиқ тўловчига қайтаришнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;
2. Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ тўловини 31 декабрга қадар амалга ошириш;
3. 2023 йил декабрь ойи давомида 31 мингга яқин фуқаролар тўлаган солиқ асосида тегишли йил учун тўлиқ меҳнат стажини ҳисобга олиш нормасини татбиқ этиш масаласини кўриб чиқиш;
4. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун етарли меҳнат стажига эга бўлмаган пенсия ёшидаги фуқароларга ўзини ўзи банд қилиш орқали зарур меҳнат стажига эга бўлиш имкониятини яратиш лозим.

Юқоридаги рақамлар, муаммо ва таклифлар ортда минглаб фуқароларимизнинг ижтимоий ҳимояси, тақдирини ётибди. Бу масалалар ўз вақтида ва масъулият билан ёндашилиб ҳал қилиниши мумкин. Ўзини ўзи банд қилган, меҳнат билан даромад ва қиймат яратган юртдошларимизга катта раҳмат айтиб, уларни қўллаб-қувватлашни бағрикенглик билан изчил давом эттиришимиз мақсадга мувофиқдир.

**ТУШГАЧА ИККИ, ТУШ-
ДАН КЕЙИН ЭСА ЯНА БИР
СОАТ. ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛА-
ТАСИНинг НАВБАТДА-
ГИ МАЖЛИСИ АНА ШУ
ТАРТИБДА БЎЛИБ ЎТДИ.
УНДА ҚИЗҒИН МУҲО-
КАМА ЭТИЛГАН ҚОНУН
ЛОЙИХАЛИРИДАН АЙ-
РИМЛАРИНИ КЎРИБ
ЧИҚАМИЗ.**

ТЕЗ БОЙИБ КЕТИШНИ ЎРГАТАДИГАН “ТРЕНЕРЛАР”

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида моҳиятан носоғлом маърифий ишларни амалга ошириш кўпайиб, бундай тадбирларда миллий маданиятимизга, соғлом онгу шууримизга ёт бўлган қарашлар, ғоя ва ҳиссиётлар сингдирилмоқда. Асосий мақсади пул ишлаш бўлган, ўзларига “тренер”, “лектор” деб ном қўйиб олган маърузачилар психологик курслар, очик мулоқотлар шаклидаги тадбирларни уюштириб, дин никоби остида ғаразли ғояларни, кўпхотинлилик, жинсий камситиш, феминизм, ахлоқий бузуқлик, ҳуқуқбузарликларни тарғиб қилиш ҳолатлари ортгани сир эмас.

Юқоридаги қонун лойиҳаси билан бундай ҳолатларга барҳам бериш, маърифий фаолиятни тартибга солиш мўлжалланмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган қўшимча билан махсус билим ва тажрибага эга бўлмаган ёхуд бундай фаолиятни олиб бориш ҳуқуқи бўлмаган шахсларга, шунингдек, қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя этмаслик ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланади.

СОҲТА ТАБИБЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Бугунги кунда халқ таъбири билан даволашни ваъда қилиб, инсонлар саломатлигига акс таъсир кўрсатаётганлар ҳам оз эмас. Шундан келиб чиқиб, қўйи палата мажлисида

Оқибат билан курашмай, профилактикага хизмат қилиши керак

узок вақтдан буён муҳокамада бўлган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда тақдим этилган эди. Буни қарангки, инсон саломатлиги билан боғлиқ масала учта ўқишда маъқулланиб, Сенатга юбориладиган бўлди.

“Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонунда соғлиқни сақлаш амалиётида ташхис қўйиш ва даволашнинг фақат қўллашга рухсат этилган усулларида фойдаланиш белгиланган. Аммо ташхис қўйиш ва даволашнинг рухсат этилмаган усуллари қўлланган ҳолда табибий ёрдам кўрсатганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган.

Эндиликда халқ таъбири соҳасидаги фаолият билан шугўлланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан фуқароларга ташхис қўйиш ва даволаш хизматлари кўрсатилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Шу билан бирга, хизматларни халқ таъбири йўналишида рухсат этилмаган усуллари қўлланган ҳолда моддий қимматликлар олиш ёки мулкий наф олиш эвазига кўрсатиш ҳам жавобгарликка олиб келади.

Шу билан бирга “Реклама тўғрисида”ги қонун ҳам халқ таъбири йўналишида рухсат этилмаган усуллари қўлланган ҳолда фуқароларга табибий ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини реклама қилишни тақиқловчи норма билан тўлдирилмоқда.

ЭНДИ ГАРОВ ХАТИ ОНЛАЙН БЎЛАДИ

“Ипотека кредитни бозорининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар



киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам навбатдаги яхши ўзгаришларга ишора, дейиш мумкин.

Одатда банк ипотека кредитини ажратганидан сўнг ушбу маблағлар қайтишини 20 йил кутиши керак. Банклар ажратилган маблағлар айланмасини тезлаштириш учун ушбу кредитларнинг ўзини актив сифатида ишлатади (яъни, уларни бошқа шахсга сотади ёки гаровга беради).

Гаров хатининг афзаллиги эса уни бошқа шахсга берганда ипотека кредити бўйича барча ҳуқуқлар автоматик равишда ушбу шахсга ўтади. Бунда кредит ва ипотека шартномаларига нотариал тартибда ўзгартириш киритиш ҳамда уларни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди.

Депутатлар лойиҳада тақлиф этилаётган амалдаги қонунчиликда назарда тутилган гаров хати механизмининг такомиллаштириш орқали ипотека бозорига узок муддатли ресурсларни жалб этиш ва ипотека кредитини актив сифатида муомалага киритиш бўйича меъёрни маъқуллади.

Шу билан бирга, гаров хатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва айланмаси тартибини соддалаштириш зарурати борлиги қайд этилди. Гаров хатини онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларига бориш орқали расмийлаштириш имконияти,

шунингдек, электрон гаров хати концепциясини жорий этиш бўйича фикрлар муҳокама қилинди. Лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланди.

ПРОБАЦИЯ ТИЗИМИДА ЎЗГАРИШ

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига назорат остидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда бу йўналишда ички ишлар органларининг ваколатини кенгайтиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Унга қўра, ички ишлар органларида назорат остида турган махсус тоифа шахслар ўртасида қонун устуворлигини таъминлаш, улар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва аъёналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-ижроия ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши тақлиф этилмоқда.

Аввалроқ ушбу масала Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган эди. Депутатлар қонун лойиҳасида кўрсатилаётган моддалар ва

меъёрлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамаджанова Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексларига асосий жазо тартибидан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо чораси қўлланилганда, жазо ўтаётган шахс жазо ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун унинг асосий жазосини оғирроқ жазога алмаштирилиши бўйича киритилаётган нормага нега эътиҳад тутилгани ҳақида тушунтириш сўради.

Таъкидландики, ҳар битта жазо турини ўташ тартиби бор. Пробация божармаси ана ўша жазоларнинг ўталишини таъминлайди ва улардан бири муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш меъёри ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда ахлоқ тузатиш ишларини белгиланган тартибда бажармаганлик учун оғирроқ жазога ўзгартириш тартиби бор. Бунда судга тақдимнома киритиш орқали масалага ечим топилади. Шунга қўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум бўлган шахс суд қароридан қасддан бўйин товласа, ана шундай механизм асосида қўшимча жазо қўллаш нормаси тақлиф этилмоқда.

Депутатлар фикрича, ҳар қандай янгилик, ўзгариш жиноятнинг оқибатлари билангина курашмасдан, профилактикага ҳам хизмат қилиши керак. Хусусан, жиноят содир этилган ҳудуддаги профилактика инспекторининг ишга масъулиятсизлиги учун чораларни кучайтириш, ўта оғир жиноят содир этган шахсларнинг пробацияга олинишини қайта кўриб чиқиш каби масалаларда жиддий мулоҳазалар ўртага ташланди. Навбатдаги ўқишга қадар кўриб чиқиладиган ҳамда инobatга олиниши керак бўлган тақлифлардан сўнг депутатлар лойиҳани концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**



ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҚҲИ БЎГИНЛАРДАН БОШЛАБ ҲАЁТИЙ ТАСДИГИНИ ТОПИБ БОРИШИ КЎП ЖИҲАТДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИГА, ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗГАРИШИГА, ЯНАДА АНИҚРОҚ АЙТГАНДА, ЮРАГИДА ЎТИ БОР, ФИДОЙИ ДЕПУТАТЛАРГА БОҒЛИҚ.
ҲУШ, ҲОЗИРГИ МУҲИМ ПАЛЛАДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДЕПУТАТЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН МАШҒУЛ? УЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР СЕССИЯЛАРИДА ТАШАББУСКОРЛИГИ ҚАНДАЙ?

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ анча уйғоқ



Малоҳат ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши бўлим бошлиғи:

якши механизм бўлди, дейиш мумкин. Маълумки, депутат ўз ваколатидан келиб чиқиб, мурожаатчи кўтарган муаммони жойида ўрганган ҳолда тегишли давлат ташкилотига ушбу масалани ўз вақтида ечиш бўйича депутатлик сўрови чиқаради ва уни назоратга олади. Аммо очигини айтиш керак, депутат сўровига ҳар доим ҳам масъул раҳбарларнинг ўз вақтида ёки умуман жавоб бермаслиги ҳолатлари учраб туради. Бу эса ҳудудларда аҳоли кўтарган масалаларнинг ечилмай қолиб кетишига сабаб бўлади.

Шу ўринда халқ депутатлари Тошкент вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎЗХДП депутатлари депутатлик назорати, депутатлик сўрови имкониятларидан самарали фойдаланиб келаётганини айтиб ўтишни истардим.

– Депутатлик гуруҳи шунчаки 10-15 нафар депутат бирлашмаси, 2-3 ойда бирор бир масаласини муҳокама қилувчи жамоа эмас. Унинг масъулияти ҳам, сайловчилар олдидаги бурчи ҳам катта. Депутатлик гуруҳлари ҳудудлардаги аҳолини ўйлантираётган масалаларни яқши билиши, уларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар, мутасаддилар олдида вазифалар қўйиши, муаммолар ечими бўйича аниқ таклифлар билдириши керак бўлади.

Кейинги йилларда фуқаролар мурожаатига муносабат тамоман ўзгарди. Хусусан, парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловчилари билан тез-тез учрашапти, жойларга бориб, муаммоларни ўз кўзи билан кўрапти, шикоятларни, таклифларни ўрганяпти. Бу, албатта,



Зулхумор КАРИМОВА,
ЎЗХДП Қўргонтөпа туман Кенгаши раиси:

депутатлари Қўргонтөпа туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида шу йилнинг биринчи ярим йиллигида туман тиббиёт бирлашмаси томонидан амалга оширилган ишлар бўйича бош шифокор Ёқубжон Асқаровнинг ҳисоботи эшитилди.

Маълум бўлишича, 43 ўринга мўлжалланган болалар бўлими жойлашган бино 2022 йилда реконструкция қилинган. Бу ерда 2024 йилнинг 5 оқи давомида салкам 1 минг 900 нафар 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар даволанган. Диагностика бўлими эса туну кун аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. 2024 йилнинг 5 оқи давомида қабул бўлимига 14 минг 574 нафар бемор мурожаат қилган. Шундан 12 минг 96 нафарига амбулатор ёрдам кўрсатилган, 2 минг 478 нафари стационар бўлимига ўтказилган. Қабул бўлимида эндоскопик текширув мавжуд бўлиб, айна текширув натижасида 844 нафар беморнинг 38 нафари шифохорнага ётқизилган, 806 нафари амбулатор даволашнига йўналтирилган.

Депутатларимиз назорат-таҳлил давомида ўрганилган муаммолар юзасидан ўз таклифларини беришди.

Маълум бўлишича, туман тиббиёт бирлашмасида ҳафтада ва ойда ўтказиладиган йиғилишлар учун фаоллар зали мавжуд эмас. Бирламчи тизим фаолияти бўйича аввалги “Қаҳрамон” ҚВП биноси қайта реконструкциядан чиқарилган. Унга ОШП мақомини бериш ва штатлар жадвалига ўзгартириш киритиш керак. Тегишли қарорга кўра, алоҳида болалар бўлими ташкил этилиши режалаштирилган. Аммо ушбу бўлимни очиш учун хоналар етишмайди.

Сессияда ушбу муаммолар атрофлича муҳокама қилинди, асосли таклифлар берилди.

Лекин шуниси ҳам борки, фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади. Тўғриси, бизнинг “нозик” жойимиз ҳам шунда бўлиб қоляпти. Чунки аксарият ҳолларда қарор қабул қилиш билан чекланыпмиз. Шунинг учун жойларда ижтимоий-иқтисодий ўнгиланиш, ислохотларнинг буй кўрсатиши қийинроқ кечаяпти. Агар биз, депутатлар жон куйдириб ишласак, вазият тобора яхшиланиб бориши муқаррар.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
 Лаиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

» АММО ОЧИГИНИ АЙТИШ КЕРАК, ДЕПУТАТ СЎРОВИГА ҲАР ДОИМ ҲАМ МАСЪУЛ РАҲБАРЛАРНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ЁКИ УМУМАН ЖАВОБ БЕРМАСЛИГИ ҲОЛАТЛАРИ УЧРАБ ТУРАДИ. БУ ЭСА ҲУДУДЛАРДА АҲОЛИ КЎТАРГАН МАСАЛАЛАРНИНГ ЕЧИЛМАЙ ҚОЛИБ КЕТИШИГА САБАБ БЎЛАДИ.

Халқ депутатлари Ангрэн шаҳар кенгаши депутати Эркин Эргашев томонидан “Ўзсувтаъминот” АЖ га аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича юборган депутатлик сўрови ҳам ижобий ҳал этилди. Унга кўра, Ангрэн шаҳар “Каттасой”, “Жекендесой”, “Янгиобод”, “Дўкент”, “Жигаристон” маҳаллалари, Қизилтоғ кўрғони ва шаҳар марказига 15 км масофада ичимлик суви тармоқлари тортилиб, битта сув иншооти ўрнатилган бўлди.

Халқ депутатлари Оҳангарон тумани Кенгаши депутати Бахтиёр Бобораҳимовнинг туман газ таъминоти раҳбарига “Шовғоз” МФИда 8,5 км масофадаги газ қувурларини таъмирлаш тўғрисидаги сўровномаси туфайли ўзлаб хонадонларда газ таъминоти барқарорлашди.

– Очигини айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашган. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Йиғилишлар анча мунозарали, савол-жавоблар билан қизгин кечишига гувоҳ бўляпмиз. Уларда одамларнинг мушкулени осон қилувчи таклифлар илгари сурилмоқда. Қайси тизим, қайси соҳа яқши ишламаётгани, аҳоли нималардан норози эканини депутатларимиз рўйи-рост айтмоқда.

Аслида сон эмас, иш сифати муҳим саналади. Шундай экан, доимий комиссия ва сессияларда кўрилган масалаларнинг ижроси назоратга олинганми, ечими бўйича ишлар якунига етказилганми-йўқми, деган саволларнинг жавобига қараб натижани баҳолаш мумкин. Бу эса бевосита маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари масъулияти ва виждонига боғлиқ.

Туманда партиямизнинг 10 нафар депутати бор. Ўтган йили депутатлик гуруҳимиз бир қатор масалаларда депутатлик назоратини олиб борди ва уларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқди. Албатта, натижалар ҳам ёмон эмас. Электорат манфаатлари билан боғлиқ бир қатор масалаларда назорат-таҳлил ишлари юритилди. Ҳудудларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар бўйича таклифлар тайёрланди. Ўтган йили депутатларимиз ташаббуси билан сессияда 4 та, доимий комиссияда 5 та, партия гуруҳи йиғилишида эса 7 та масала кўриб чиқилди. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида эса сессияга 3 та масала киритилди, ижро органлари раҳбарларига 18 та депутатлик сўрови юборилди.

Масалан, 2024 йил 24 июнь куни халқ

«АЁЛЛАРГА КЎМАК» ЛОЙИҲАСИ ҚОНЛИКЎЛДА



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши томонидан Қонликўл тумани “Сары алтын” овул фуқаролар йиғини ҳудудида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, турли ҳил касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида «Аёлларга кўмак» лойиҳаси ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши, Қонликўл тумани партия кенгаши масъуллари, халқ депутатлари Қонликўл туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, Қонликўл тумани тиббиёт бирлашмаси масъуллари, ҳудуд аҳолиси, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси ўринбосари М.Есенгелдиев кириш сўзи билан очиб берди ва бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, шу жумладан, хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар, уларнинг соғлигини яхшилашга, бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар ҳамда партиянинг хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Лойиҳа доирасида Қонликўл туман тиббиёт бирлашмасидан гинеколог, педиатр, офтольмолог, стоматолог, невропатолог, кардиолог, ортопед, УТТ ва бошқа мутахассислар томонидан 61 нафар хотин-қиз ва 47 нафар бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Касаллиги аниқланган хотин-қизлар ва болаларга даволаниш учун йўлланмалар ва дори-дармонлар берилди.

Ўз муҳбиримиз.

ДЕҲҚОНОБОД ТУМАН КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДЕҲҚОНОБОД ТУМАН КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ VII-ПЛЕНУМИ ЎТКАЗИЛДИ. ПЛЕНУМ КҮН ТАРТИБИДАН ДАСТЛАБ ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНING 2023 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Қайд этилдики, ўтган йили 6 та ижроия қўмита йиғилиши ўтказилди. Уларда жами 35 тадан ортқ масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, ЎЗХДП Марказий Кенгаши тавсиясига кўра, “Амалий ҳаракат дастури” тўлиқ ижро этилиб, тумандаги долзарб масалалар муҳокама этилди. Партиямизнинг амалий ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар туман партия Кенгаши ижроия қўмитаси ва депутатлик гуруҳи қўшма йиғилишларида кўриб чиқилди. Шундан 4 та масала халқ депутатлари туман Кенгаши тегишли доимий комиссияси ва сессияси муҳокамасига олиб чиқилди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар шуни алоҳида таъкидлашдики, ижроия қўмита аъзолари ва фаоллар ҳамкорликда ХДП сафига аъзолар қабул қилиш, партия сафини мустаҳкамлаш ишларини олиб борди. 2023 йилда партия сафига 113 нафар аъзо қабул қилинди. Бошланғич партия ташкилотларимиз сони кўпайди. “Хунарманд уюшмаси”даги ХДП бошланғич ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

Бундан ташқари, 2023 йил туман Кенгаши ижроия қўмитаси ва депутатларимиз ўртасида кўрик-танлов ташкил этилди. Унда депутатимиз Ғайрат Бойсариев ғолиб деб топилди ва танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмасини кўлга киритди. Айтиш керакки, ушбу кўрик-танлов партиямиз фаоллари ва депутатларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, билимини, дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.



Пленумда туман партия кенгаши қошидаги “Жамоатчилик қабулхонаси” фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини баратараф этишда партия фаоллари ва депутатлар ҳамкорлиги кўриб чиқилди. Жойларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар, аҳоли вакиллари билан учрашувларда кўтарилаётган муаммолар ва уларнинг ечимига эътибор қаратилди. “Уйма-уй”, “Меҳр улашайлик”, “Аёллар бандлиги- оилалар фаровонлиги”, “Сафимиздаги ёшлар”, “Партиянинг лидер аёли” каби лойиҳалар натижалари таҳлил этилди.

Пленумда халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳининг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан ҳам ахборот берилди.


Пленумда 10 нафар илгор “Ёшлар етакчилари” Халқ демократик партияси сафига қабул қилиниб, уларга партия гувоҳномаси, нишони ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Пленум якунида кун тартибидан масалалар бўйича партия фаоллари фикр-мулоҳаза ва таклифлари тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тўрдиқул МАМАНОВ,
халқ депутатлари Деҳқонобод туман Кенгаши депутати.

REKLAMA O'RNIDA

АЙНИ ПАЙТДА 72 ЁШНИ ҚАРШИЛАЁТГАН РАҲИМЖОН ОТА ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИ ТУГАТГАЧ, КЎП ЙИЛЛАР БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ЖАБҲАСИДА МЕҲНАТ ҚИЛДИ. КАСБИГА БЎЛГАН САДОҚАТИ ТУФАЙЛИ ЭЛ ИЧИДА ҲУРМАТ ҚОЗОНИБ, ТИЛГА ТУШДИ. НУФУЗЛИ ИДОРАЛАРДА ИШЛАДИ ВА ҲАММА ВАҚТ ЁН-АТРОФДАГИЛАРИДАН МЕҲР-МУРУВВАТИНИ АЯМАДИ. ЗИЁЛИ, ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТЛИ ПЕДАГОГ СЕВАРА ОПА БИЛАН УМР ЙЎЛИНИ БОҒЛАДИ. СЕВАРА ОПА КЎП ЙИЛЛАР ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА МЕҲНАТ ҚИЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА ҲАР ИККИСИ ҲАМ НАФАҚАДА. ЕТТИ НАБИРАНИНГ СЕВИМЛИ БОБОСИ ВА БУВИСИ. ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ «ХИЁБОНТЕПА» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ ФАОЛЛАРИДАН.



Қаҳрамонимиз Музаффар Акрамов мана шу инсонларнинг тўнғич фарзанди. У туғилганида жонқуяр, ҳар доим, ҳар ишда музаффар бўлиб юрсин, деб Музаффар исмини қўйишган. Кейинчалик ортидан Алишер, Азизалар дунёга келишди.

Музаффар ака 1999 йили Тошкент давлат иқтисодиёт университети тугатиб, 2004 йилгача «Туронбанк», «Миллий банк», «Алоқабанк», «Ассандор» хусусий фирмасида, кейин эса қурилиш ва кўчмас мулк соҳасида турли лавозимларда фаолият юритди. 2024 йилдан Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси Тошкент вилоят ҳудудий бўлинмаси бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Укаси Алишер Шарқшунослик институтининг халқаро муносабатлар факультетини битириб, Рақамли технологиялар вазирлигининг халқаро бўлимида ишламоқда. Азиза эса она касбини – педагогикани танлади.

Ота-онамиз, бобо-бувижонларимиз болалигимиздан бизни меҳнатда чиниктириб, ўқишдан ташқари тўғарақларга олиб бориб, қобилиятимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишар эди. Бўш пайтлари спорт билан шуғулланардик. Онажоним кўп китоблар келтириб берар, қанча кўп китоб ўқисак, шунча рағбатлантириб турарди. Беш ёш пайтимда дадам қўлимдан тутиб, катта қурилиш майдонига олиб боргани, у ерда қурувчилар каскасини кийдириб, иш жараёнини томоша қилдиргани ҳали-ҳамон ёдимда, - дея болалик йилларини хотирлайди Музаффар Акрамов.

Қаҳрамонимиз суҳбат жараё-

нида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 февралдаги қарорига асосан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компаниясининг мақсади ва вазифалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Айниқса, бугунги ёш авлод талаб ва руҳиятига мос умумтаълим масканларини барпо этиш, уларнинг замонавий фанларни, илғор ахборот технологияларини ва хориж тилларини ўрганиши учун яратилаётган улкан имкониятларга урғу берди.

Ҳозирги кунда Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси Тошкент вилоят ҳудудий бўлинмаси буюртмачилигида 51 та таълим ташкилотига янги қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари белгиланган бўлиб, давлат бюджетидан 354,7 млрд сўм маблағ ажратилган. Бугунги кунга келиб қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини мақбуллаштириш ҳисобига ажратилган маблағнинг 31 млрд сўми иқтисод қилинган. Ҳозирда объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Айтиш ўринлики, ушбу қизғин жараён учун қурилиш материаллари Республика товар-хомашё биржаси орқали харид қилиниб, асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар имзоланмоқда. Қурилиш объектларини ўз вақтида, сифатли, ҳозирги кун талаблари даражасида фойдаланишга топшириш учун бор куч-имконият сафарбар



этилмоқда.

Сифат ва назорат бор жойда унум-барака бўлади. Бунёдкорлик соҳасида бу жуда муҳим. Айни шу мезонлар асосида ҳозирги кунда Янгийул тумани «Дехқонобод» МФЙдаги 18-сонли мактабни реконструкция қилиш пудратчи ташкилот – «33-SONLI XMKK» МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда. Янгийул тумани «Ҳақиқат» МФЙдаги 22-сонли мактаб эса уста-бинокор Самандар Тўлага-

нов етакчилигидаги қурувчилар томонидан жадал суръатда реконструкция қилиняпти. Чиноз туманидаги 9-сонли, 45-сонли мактаблар ҳам замонавий қиёфага кирмоқда. Бу каби объектларда бунёдкорлик ишлари сифатли бажарилиши устидан Тошкент вилоят ҳокимлиги қаторида Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компания ҳудудий бўлинмаси раҳбарияти жонбозлик кўрсатаётир.

» **Беш ёш пайтимда дадам қўлимдан тутиб, катта қурилиш майдонига олиб боргани, у ерда қурувчилар каскасини кийдириб, иш жараёнини томоша қилдиргани ҳали-ҳамон ёдимда, - дея болалик йилларини хотирлайди Музаффар Акрамов.**



» **Музаффар Акрамов узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида эришаётган ютуқларида устозларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, Улуғбек Иноятов, Намоз Рўзиқулов, Ғуломжон Ибрагимов, Шукрулла Маҳмудов, Салом Самадов, Тошкент вилоят ҳокими Зоир Мирзаев ва бошқа кўплаб шу соҳада устозлик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатган инсонларнинг фидойилигини ҳавас ила эътироф этади.**



Музаффар Акрамов узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида эришаётган ютуқларида устозларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, Улуғбек Иноятов, Намоз Рўзиқулов, Ғуломжон Ибрагимов, Шукрулла Маҳмудов, Салом Самадов, Тошкент вилоят ҳокими Зоир Мирзаев ва бошқа кўплаб шу соҳада устозлик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатган инсонларнинг фидойилигини ҳавас ила эътироф этади.

-Юрт равнақи, унинг тараққиётига мана шу юртнинг фарзанди сифатида ҳар биримиз масъулмиз. Мақсадимиз элнинг, инсонларнинг дуосини

олишдир. Бу йўлда ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслик керак. Дунёдаги энг гўзал ва мустақкам бино-иншоотлар лойиҳаларидан илҳомланиб, авлодларимизга ана шундай мерослар қолдириш ҳақида ўйлашимиз лозим. Муҳими, қилаётган ишимизга бор меҳримизни бериб, виждонан, масъулият билан ёндашсак, юзимиз ёруғ бўлса, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришган бўламиз, - дейди қаҳрамонимиз.

Музаффар ака турмуш ўртоғи Хурсандой опа билан бугун фарзандлари ардоғида бахтли умр кечириб, дуоғўйлари Раҳимжон ота ва Севара аяларнинг умид ва ишончини оқлаш шижоати билан яшамоқда. Унинг каби меҳридарё, тиниб-тинчимас, юртпарвар инсонлар бор бўлсин, деймиз. Эзгуликдан ҳузур олиб, эл дуосига сазовор бўлаётганлар ортидан эргашиб яшагинг келади.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

FAXRIYLAR MAKTABI

РАШИД АКА НИМА ДЕЙДИ?

ЭРТА ТОНГ. ШАХРИСАБЗДАН БАРВАҚТ ЙЎЛГА ЧИҚИБ, ҚАРШИ ШАХРИНИНГ БИР ЧЕККАСИДА, ҚАШҚАДАРЁ УЗРА ҚУРИЛГАН ҚАДИМИЙ ВА ЯНГИ КЎПРИК ЁҚАСИДАГИ ОБОД ХИЁБОНГА ЕТИБ КЕЛДИМ. МАШИНАМИ БИР ЧЕТДА ТЎХТАТДИМ. УЗОҚДАН ДАРАХТЗОР ЙЎЛАГИДАН КЕЛАётган РАШИД АКАГА КЎЗИМ ТУШДИ. ИЛИҚ КЎРИШИБ, СЎРАШДИК. НЕГАДИР МЕНГА БОШДАН-ОЁҚ РАЗМ СОЛДИ.

– Мунча озиб кетибсиз?
– Ҳа, энди, – дабдурдан жавоб тополмай, ўнғайсизландим. – Овқат ҳазм бўлиши қийинлашгач, қатъий парҳезга ўтдим. Эрталаб ва кечқурун маҳалламиз кўчасида оз-моздан югура бошладим. Бир ярим йилда 32 кило озибман.

– Йиқилиб қолманг тагин, – бош чайқайди Рашид ака. – Табиатдаги барча дори-дармон ва айрим ноёб маъданлар бор инсон вужудида. Улар камайса, ўрнини тўлдириш кексайганда осон бўлмайди. Тагин эркакнинг суяги, тоши оғир келади, насл-насабга ҳам боғлиқ. Маслаҳатим шуки, меъёрни ушланг, кўпроқ ҳаракат қилинг.

Мен ҳам астойдил кўз тикаман. Рашид аканинг семириб кетганини ҳеч вақт кўрмаганман. Тўлалikka мойил, бироқ қадди тик, кийим-боши ярашган, оқ толалар кўпайган сочи текис тарошланган. Ёшлигида кўракам йигит бўлганлиги яққол билиниб турибди. Тез юради, ҳансираб қолмайди. У ўй-хаёллари билгандай, эътиборимни бошқа ёққа қаратди.

– Сезябсизми, Қарши даштининг эпкинни ҳозир саратон бўлса-да, салқин. Темур бобомиз шу кўприк, Қаршидаги нодир обидалар ва юртимиздаги бошқа бемисл қуришларнинг бошида ўзлари турганлар. Дунёнинг эврилишини қарангки, Соҳибқирон бобомиз қурдирган кўприк атрофидаги янги хиёбонни обод қилиш давлатимиз раҳбари чеккига тушганди. Умуман, Қарши шаҳридаги янги шифохона, мактаб, боғча, кўп қаватли уйлар, саноат корхоналари ишга тушишида Президентимизнинг ҳиссалари беқиёс. Ўтган йили охирида Қаршига келганларида, “Ойдин” маҳалласида учрашдик, ҳол-аҳвол сўрадилар. Мен ўшанда “Раҳмат, яхши ўзгаришлар бўлапти, тилагимиз шуки, ҳамиша соғ-саломат бўлинг”, дедим. Кўп тилакларим дилимда қолди. Бирга тушган суратимизни кўрган невараларим “Ана, Президентимиз, ёнларида бобомиз турибди”, деб фахрланишди. Раҳбаримиз катта кенгаш ўтказиб, мамлакат ва вилоят тараққиётига оид кўп-лаб муҳим режаларни ўртага ташладилар, арзирли маблағлар ажратилди. “Бу йил Қашқадарё йили бўлади”, деганларида роса фахрландик. Энди уларни амалга ошириш учун тинмай ҳаракат қилишимиз.

– Шаҳарда муаммо ва камчиликлар кўп, – дейман ўжарлик билан. – Олдинги ҳоким хибсга олинганди. Ҳозир шаҳар ободончилик бошқармасида талон-торожилик аниқланиб, тергов-суриштирув кетмоқда. Шу йил апрель ойида шаҳарда кўкаламзорлаштириш, кўчат экиш ишлари билан танишганимда, анча камчиликларни кўрдим. Касалланган, қуриб қолаётган арча ниҳолларини экишдан ким манфаатдор? Ниҳоят, “Отчопар” маҳалласи ободончилиги учун катта маблағ сарфланганига қарамай, анча ички йўллар носоз, ичимлик суви ҳар замонда берилар экан. Яна айтаверайми?

– Оббо, сиз-эй, – Рашид ака бегараз қулади. – Танқид қилишдан чарчамайсиз. Бу гапларни “Кўнгилда унган дарахтлар” мақолаларида айтгансиз. Ростига кўчсақ, кўп раҳбарлар билан ишладик. Ҳозирги ҳокимимиз астойдил ҳаракат қилапти. Иш бор жойда камчилик ҳам бўларкан. Фақат уларни ўз вақтида бартараф этиш лозим. Апрель ойининг ўрталарида шаҳар сессиясида кўкалам-

зорлаштириш масаласи кўрилди. Мақолангиз босилган “Ўзбекистон овози” газетасининг 50 нусхасини сессия қатнашчиларига тарқатиб бердик. Ҳокимимиз ҳам, мен ҳам, бошқа нотиклар ҳам камчиликларни очик айтдик. Қўл учиди ишлаш мумкин эмаслигини кўпчиликка етказдик, белгиланган чоралар ҳар куни назоратда. Биласизми, яхши ишлардан суюнаман, бу шаҳар мен учун шунчалик азизки...

Рашид ака бирдан гапидан тўхтаб, дарёга тикилиб қолди. Айни саратонда Қашқадарё суви анча камайган. Аммо қадимий ва янги кўприкнинг ҳар икки томонида тикланган тўғонлар узра ошиб ўтаётган сув секин чайқалиб, тўлқинланарди. “Ғамга ботсанг, оқар сувни ёқала” – донишмандлар ўғити бу. Чамамда, Рашид ака зил-зил ҳислардан қутулиш илинжида дарё соҳилиги кўп келса керак... Ҳозир хотирамга отам раҳматли айтиб юрадиган кўшиқнинг айрим мисралари тушди:

Одамий бўлмай туриб, ким билгай инсон кадрини...

... У 1951 йилда шаҳарга туташ “Арабхона” қишлоғида туғилган. Ғишт терувчи уста бўлган отаси шаҳарнинг “Самарқанд” маҳалласидан ер олиб, хом ғиштдан уч хонали уй тиклайди. Шу ҳовлида улғайишади. Рашид ака Қарши давлат университети математика факультетини битириб, мактабларда ишлайди, уйланади, отаси 56 ёшида вафот этади. Муштипар онаси уй бекаси эди, уч ўғил ва тўрт қиз қўлида қолади. Бечора она тўнғич ўғлига умид билан тикиларди...

– Рашиднинг боши тошдан экан, – деганди “Самарқанд” маҳалласининг қувноқ-ҳазилкаш раиси Бўри ака Ҳакимов. – У мендан уч-тўрт ойлик кичик, аммо бараваар синфларда ўқиб, тепкилашиб катта бўлганмиз. Билсангиз, онаминг фарзандлари турмагач, овчи тоғаларим бўри отиб келишади. Фарзандларидан айрилиб, юраги олинчи қолган онам мени бўрини оғзига солиб, кейин чиқариб олади. Ирим шундай экан-да. Бўри, деб исм қўйишади. Қарангки, соғлом-бакувват ўсдим. Институтда ўқиб, нефть-газ соҳасининг муҳандиси бўлдим. Қарши даштида кон қидирдим, йирик корхоналарда ишладим. Чўлда бўриларни кўп учратганман, асло кўркамганман. Мана, ўлмай-нетмай шу кунларга етиб келиб, уч йилдан буён маҳалла раисман. Рашиддонни онаси бўрининг оғзига солиб олманг бўлса-да, пишик тан, иродали бўлиб ўсди. Отаси оламдан ўтганда, укалари, сингиллари ҳали ёш эди, бир ўзи ишлаб, уларни касб-корли, ўйли-жойли қилди. Маҳалламини аҳли, очиги, қаршиликлар ундан рози, тўй-маъракаларга доим йўқлашади. Рашиддон ҳам муҳтожлардан ёрдами, маслаҳатини аямайди. У билан кенгашиб, маҳалламиз дарвозасини қурдик. Дарвоза эмас, кўчалар, барча маълумотлар қайд этилган ўзига хос харита бу. У бу ишни ёйиш керак, дейди. Унинг айрим пайтлари ўзидан бошқани ўйламайдиган, рости, нафси бўридек кимсаларга қарши қурашаётганини кўриб, хавотир оламан, “ўзингни асра”, дейман. “Хўп”, дейди, бегараз қулиб. Илло, боши тошдан бўлсин, Рашиддоннинг!

– Отамиз қазо қилгач, оилани боқиш, бизларни оёққа турғазаш учун акам қанчалик азоб чекганини ўзимиз мустақил яшаганда, англадик, – дейди оғир хўрсиниб укаси

Фахриддин.

– Мени ўйлантириб, ер олгач, янги уй қуриб берди. Ўзи эса узоқ йиллар эски пахса уйимизда яшаб келди. Чунки ўзини ўйласа, биз ука-сингиллар қай аҳволга тушардик? Акада отанинг ҳақи бор, деганлари рост. Ҳамиша яхши кунларимиз бошида турсин.

Ҳа, Рашид акани ҳаёт сийламади, зил ташвишларни елкасига ордти. Аламларни доғда қолдириш учун касбига, ишига суянди. Шаҳар халқ таълими бўлими мудирини ўринбосари бўлиб ишлаётганида, унинг ташкилотчилиги муносиб баҳо беришди – “Маҳалла” ташкилотининг раҳбарлигини жамоатчилик асосида зиммасига юкляшди. Шу ишда 7 йил ишлаб, иродаси тобланди, одамлар қалбига беҳато йўл топиш илмини ўрганди, раҳматлар эшитди. Янгидан ташкилот топган Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига кирди. Кўп ўтмай партия шаҳар кенгашини бошқара бошлаганда, ўз ҳаётининг янги даврини қалбдан ҳис қилди...

– Мен анча йил шаҳар ҳокимлигида ишлаганман, – эслайди Республика маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари Комила Каромова. – 96-йилда партиямиз шаҳар кенгаши раиси Рашид акага ўринбосар бўлдим. Сал ўтиб, Рашид ака партия вилоят кенгаши раислигига, мен эса шаҳар кенгаши раислигига сайландим. Бир вақтнинг ўзид “Насаф” газетаси муҳаррири эдим. 2010 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайландим. Рашид ака яна партия шаҳар кенгашини бошқара бошлади. Икки чақирик Қонунчилик палатаси депутати бўлдим ва ҳамиша Рашид акадан маслаҳат олиб турдим. Устозим доим “опа”, деб ҳурмат кўрсатади. Ҳа-я, энг муҳим гап ичимда қолибди... Рафиқаси тўсатдан вафот этиб, чирқилган тўрт бола қўлида қолади. Мен бу ҳақида “Муҳаббат бор экан дунёда” мақоласини ёзгандим. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, Рашид ака келин тушираётган ва қизларини узатаётган кезларида қандай сарполар танлаш борасида кўмаклашардим. Дардини ичига солгани, кўзидан ҳаёллари оламни бевақт тарк этган суюмли аёлида эканлигини сезиб, рости, юрагим эзилди кетарди...

Рашид ака ўзи билан ўқиган, Китоб туманининг “Паландара” қишлоғида туғилиб ўсган математика фани муаллимаси Иззатой опага уйланган экан. Бир-бирларига меҳр-лаб бекис бўлган, ўғил ва уч қиз қўришган. Тиник орзулар оғушида яшашган. Оғир хасталиқдан рафиқаси қазо қилганда Рашид ака 40 ёшда бўлган. Меҳр қўйган аёлидан ёдгорликлари – фарзандларини ёлғиз оқ ювиб-оқ тарайди, ўқитиб, ўйли-жойли қилади. Тўнғич ўғли Рамишга буюк ҳинд адиби Тагор қахрамонларидан бирининг номини эр-хотин суйиб қўйишган экан. “Отамиз биз учун ўзини аямая меҳнат қилганини, дардини ҳеч вақт бизга билдирмаганини улғайгач англадик”, дейди ўғли Рамиш.

Буюк шоиримиз Абдулла ака “Иродадан яралгай инсон”, деган эди бундай кишилар ҳақида. Ҳақ, рост! Чексиз юрада соҳиб ташвишларга кўмилиб яшади. Унинг раҳбарлигида Қарши партия ташкилоти мустахкамланди, аъзолик бадалларини кўп ва вақтида тўплаш учун барча бирдек қайғурарди экан бўлди. Унинг шоғирди, кенгаш раисининг ўринбосари София Чоршанбиева 108 бошланғич ташкилот 3300 аъзони бирлаштиргани, кўп-лаб ёшлар партиямиз сафига қўшилиётганини ҳикоя қилиб берди. Ҳозир шаҳарда 5 та хусусий олий таълим даргоҳи бор экан. Рашид ака бир неча бор талабалар билан суҳбатлашади, саволларига жавоб беради, битта учрашувда 68 нафар ёш партиямиз сафига кирди. Қарши муҳандислик иқтисодиёти университетига 78 нафар аъзосидан 23 нафари ўқитувчилар. Илмга ташна, та-



факкури юксак, орзулари изидан бораётган партиямиз аъзолари улар. Бу ҳам Рашид ака раҳбар партия кенгашининг одамлар қалбига йўл топаётгани туфайли.

“Курашамиз”, деган сўзни кўп эшитамиз, нуқул шу сўзни ишлатадиганлар амалда одамлар ташвишидан узоқда яшашни хуш кўришади. Афсуски, партиямизга таяниб, депутатликка ўтиб олишга иштиёқмандлар озмунча эмас. Бундайлардан халққа наф йўқ. 12 номзоднинг шаҳар Кенгашига сайланишида Рашид ака катъияти, фаол тарғиботи муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг бари фаол, жонсарак, одамлар ҳурматини қозongan.

– Мен бир неча бор шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланганман, – дейди ҳозир партиямиздан вилоят Кенгаши депутати, “Қаршимеъель” МЧЖ раҳбари Саломат Комилова. – Иш юзасидан Рашид акам билан доим кенгашамиз. Ҳозир корхонамизда 200 дан ошиқ хўнаранд ишли бўлган. Янги режаларимизни ҳам Рашид акага айтиб, пишитиб оламан. Э, айбга буюрмайсиз, сизга бир воқеани айтиш эсимдан чиқай дегди. Эсимда, шикоят асосида шаҳардаги болалар боғчаларидан бирининг аҳолини ўргандик. Биз борсақ, болаларни “овқатлан-тирдик”, деб эртачи ухлагга ётқизишибди. Тушлик овқатга ош пиширишган экан. Мен бир хонадан катта идиш тўла ошни топдим, тарбиячи уйига олиб кетмоқчи экан. Рашид аканинг шунчалар жажли чиқдики, аммо ўзини босиб олди. Шу масала сессияда муҳокама қилинди, муҳим қарор қабул қилинди, боғчалар қаттиқ назоратга олинди. Айрим нафис бузуқлар ишдан кетди. Мана, Рашид аканинг фаолияти ҳақида бир мисол...

Партиямиз Марказий Кенгашининг аъзоси Рашид ака яшаётган “Самарқанд” маҳалласига бордим. Уста бобоси қуриб кетган эски уйни бундан беш-олти йил олдин ўғли Рамиш бузиб, янги иморат тиклабди. Шу кунларда қўшимча бино қураётган экан. Кичкина ҳовли мевали дарахтга тўла. Рашид аканинг фарғоналик танишлари Хитой давлатининг Урумчи мавзесида ўсадиган нокнинг кўчатини юборишибди. Китоб туманининг тоғли “Сумак” қишлоғида биттадан ноёб наштавининг ниҳолини ҳам экишибди. Узум авлаққан ҳосилга кирган. Қарши муҳандислик иқтисодиёти университети талабаси бўлган набираси Севара: “Бобом билан фахрланамиз!”, дейди чексиз меҳр ила.

Китоб ва Шаҳрисабз томонларда “Ўғлим, қизимга ватан қурмоқчиман”, деган ниятни кўп айтишади. Китоб шаҳрида адабиёт ўқитувчиси бўлган Бурхон Абдиев яшаб ўтди. Умрининг охирида ҳам ёстиғи ёнига китоб қўйиб ётадиган одати бор эди. Хуш кўрганларни бағрига босиб кўришар ва “Ота-бобо, момоларимизнинг меҳри бор кучоғимизда”, деб юрар эди донишманд муаллим. Шуларни айтиб бердим.

– Ҳикматга тўла амал ва одатлар экан. Ният тилайликки, Ватан, Янги Ўзбекистонни қуришда қатнашиш, эзгу орзуларимизга етиш насиб этсин барчамизга!

Шундай дея, Рашид ака мен томонга талпиниб, кучоғини кенг очди. У кишининг бағрида бевақт қайтиш қилган акажонининг меҳрини туйдим. Чин маънода ҳам у менинг акам. Қалби эзгуликка тўла акам...

**ЮНУС УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган журналист.**

НУҚУ

Жуда кўп суд жараёнларида қатнашганман. Аммо бу галги суд менда катта қизиқиш уйғотди. Гап анча вақтдан бери кўпчиликнинг муҳокамасига сабаб бўлган электр энергияси истеъмоли 200 кВт меъёри масаласининг судда қўрилиши бўлди. Кеча Олий судда аризача Мардон Субҳановнинг Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 16.04.2024 йилдаги қарорининг аҳоли учун электр энергияси ва табиий газ истеъмолининг базавий меъёрлари билан боғлиқ қисмини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги апелляция шикояти қўриб чиқилди.

Шуни қайд этиш керакки, суд томонидан Мардон Субҳановнинг аввалги аризасини иш юритишга

Олий судда “свет” масаласи кўриб чиқилди

қабул қилиш рад этилган эди. Шундан сўнг аризада Олий судга тегишли тартибда шикоят тақдим қилган. Кеча Олий судда Мардон Субҳановнинг апелляция шикояти қўриб чиқилди. Унда аризадининг қонуний вакили, ўғли Мирза Субҳанов аризини тўлиқ қўллаб-қувватлаб шикоятни қаноатлантиришни сўради.

– Вазирлар Маҳкамасининг қароридан электр энергияси ва табиий газ учун “иситиш мавсуми” тушунчалари йўқ. Электр истеъмоли учун базавий меъёр сифатида 200 кВт бир ойлик меъёр белгиланган, – деди судда Мирза Субҳанов.

– Бу нотўғри. Мазкур меъёр бир кишига эмас, бутун бошли оила учун белгиланган. Ваҳоланки, бизда кўп болали оилалар жуда кўп. Шуларни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарорининг иккинчи иловасида белгиланган электр энергияси истеъмоли бўйича меъёрни ҳақиқий эмас, деб топишингизни сўрайман.

Судда Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими М.Тожибоев ушбу қарор идоравий-норматив ҳужжат ҳисобланганини эътиборга олиб, шикоятни қаноатлантирмайдиган рад этишни сўради. Прокурор эса Олий суднинг шу йил 19 июндаги аризини ўзгартириш қолдириб, шико-

ятни рад этишни сўради.

Кеча Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ушбу ажрим устидан аризача М.Субҳановнинг апелляция шикояти қўриб чиқилиб, Олий суд судьясининг 2024 йил 19 июндаги ажримини бекор қилишга асослар аниқланмаганлиги сабабли Олий суднинг апелляция инстанциясининг қарори билан мазкур ажрим ўзгартирилди.

**Равшан ШОДИЕВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**



«O'ZBEKISTON OVOZI» ARALASHUVI BILAN

Янги кўприк қурилди,

АММО...



Кўприкнинг олдинги ҳолати.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2022 ЙИЛ 11 МАЙ ҲАМДА 23 НОЯБРЬ СОНЛАРИДА ДЕНОВ ТУМАНИ "ЧЎНТОШ" МФЙДАГИ "ШАЙТОН КЎПРИК" ҲАҚИДА ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНДИ.

Унда "Турон мега строй" масъулияти чекланган жамияти томонидан Денов туманидаги "Чўнтош" маҳалласидан ўтган "Ҳазорбоғ-Оққапчиғай" каналида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлангани ва юк ташувчи залворли техникаларнинг ҳаракатланиши натижасида ҳудуддаги кўприк (ПК-141+96-худуд) яроқсиз аҳволга келиб

қолгани ҳақида сўз юритгандик. Ярни узилиб тушган иншоот ўрнида эса "осма кўприк" (эни ва бўйи қарийб 1 метр) ўрнатилгани ва ҳалинчадек "ликкиллайдиган" мослама ниҳоятда хавfli эканлиги ҳам баён қилинганди.

Орадан икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Хўш, кўпнинг дарду ташвишига айланган

масала ечим топиб, 3 минг 200 га яқин аҳолининг мушқули осон бўлдими?

– Ҳудуд туман марказидан 14 километр олисда жойлашган, – дейди "Чўнтош" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Ҳимматой Аллаёрова. – Муҳим йўл ўтказгич бузилгандан кейин, тўғриси, юртдошларимиз анча қийналди. Одамлар ва техникалар қарийб икки километрли айланма ва ўйдим-чуқур кўчалардан юришига мажбур бўлди. Ўқувчилар ёзда чанг ва қишда лой йўллардан мактабга қатнади...

"Ўзбекистон овози" газетасидаги чиқишлардан кейин туман ҳокимлиги ва "Турон мега строй" масъулияти чекланган жамияти масъуллари бир неча марта аҳоли билан учрашди. Шундан кейин қурилиш-бунёдкорлик ишлари янада жадаллашди. Тегишли жойларга тош ва тупроқ ётқизибли, йўллар 3-5 метргача кенгайтирилди. Жорий йилнинг март ойида узунлиги қарийб 25, эни эса 10 метрли кўприк битказилганди. Пиёдалар учун махсус йўлакча ва темир панжаралар бунёд этилганидан ҳам хурсанд бўлгандик.

– Ўтган асрнинг 60-70 йилларида барпо

этилган кўприк талабга жавоб беролмай қолганди, – дейди яна бир суҳбатдошимиз Зиёдулло Муродов. – Қирғоқларга дарз кетиб, ёриқлар пайдо бўлганини кўпчилик яхши билади. Ҳатто сув сизиб чиққан даврлар бўлган. Хайрли ва эзгу ишларнинг ижобий натижаси ўларок, Сарисийё, Денов, Шўрчи, Олтинсой, Қизирик, Шеробод, Музработ, Бандихон ва бошқа туманларга оби-ҳаёт етказиб бериш тубдан яхшиланди.

Бу қувонарли, албатта. Афсуски, ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина. Қолган ишга қор ёғар, деганларидек муҳим йўл ўтказгич қурилганига тўрт ойдан ошди. Аммо унинг устки қисми ва туташ жойлари ханузгача асфальт қилингани йўқ. Ҳар икки томони "ранг кўр-хол сўр" аҳволда. Ҳайдовчилар қийналмоқда, одамлар тошлоқ "оралаш"га мажбур. Қирғоқларга ҳимоя тўсиқлари қўйилмаган. Қарийб беш ойдан буён ичакдек чўзилаётган чала ишлар тўла-тўқис поёнига етказилса, кўзланган мақсадга эришилари.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон овози" муҳбири.

HAMKORLIK MEMORANDUMI

Хитойнинг 40 йиллик ютуқларига
Ўзбекистон 15 йилда эришади

17-22 ИЮЛЬ КУНЛАРИ
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДА
ИНСТИТУТ РАҲБАРИЯТИ ҲАМДА
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ТУРГАН
ТИАНЖИН МУҲАНДИСЛИК ЛОЙИҲА
ВА ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ,
ТИАНЖИН ШАҲАРСОЗЛИК ВА
ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ, "ХИТОУ
МСС22 GROUP" КОРПОРАЦИЯСИ,
ТИАНЖИН ШАҲАР ҚУРИЛИШИ,
ХИТОЙ ҚУРИЛИШ УЧИНЧИ БЮРОСИ,
"SHANGHAI TIANHUA" АРХИТЕКТУРА
ЛОЙИҲАЛАШ ВА МУҲАНДИСЛИК
ЛТД, ШУНИНГДЕК, ЛИНГ ЧАО
ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИ БОШҚАРУВ
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МАСЪУЛ
РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР
ЎТКАЗИЛДИ. ҚАЙД ЭТИШ КЕРАККИ,
МАЗКУР КОМПАНИЯЛАР ЙЎЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА КЎПЛАБ
ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ ЮТУҚЛАРГА
ЭРИШГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ.

Ушбу компаниялар республикамиздаги Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташриф буюришган.

Компанияларнинг масъул раҳбарлари билан ташкил этилган учрашувларда Хитойдаги БИМ (Building Information Model) технологиясини республикамизга олиб кириш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик масалалари, шу билан бирга икки ҳамкор давлатнинг йўл хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган институтилари ўртасида меморандум имзолаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Мен ишонч билан айта оламанки, Хитой 40 йилда эришган инфратузилма ютуқларига Ўзбекистон 15 йилда эришади, – дейди Хитой делегациясининг раҳбари Би У Ю. – Албатта ривожланиш бор жойда камчилик бўлади, Хитой ҳам бу кўсурлардан ҳоли эмас. Лекин биз салбий натижаларни ижобий томонга ўзгартиришимиз зарур. Ўзбекистондаги йўл инфратузилмаси ривожланиши учун барча билимимизни ишга солишга тайёрмиз. Қўшимча қилиб яна шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистон ва Хитойлик мутахассислар йўл ва кўприк қурилиши борасида кенг қамровли ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишига ишонаман.

Ташрифнинг сўнги кунда Хитой делегацияси таркибидagi бир неча компания вакиллари билан илмий ва техник соҳаларда ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мазкур меморандум ўз ичига автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва сақлаш амалиётига



инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган илмий-техник хизматларни кўрсатиш, шунингдек, янги норматив-техник ҳужжатларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалдаги меъёрий-техник ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш кабиларни олади.

Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикасининг йўллар, кўприклар, туннеллар, йўл материаллари соҳасидаги стандартлари ва қоидаларини ўрганиш ва уйғунлаштириш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўзбекистонлик йўл мутахассисларининг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича ҳам ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Юлдуз ХОЛИҚОВА,
Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот
институти матбуот котиби.

"101" OGOHLANTIRADI

Офатнинг олдини
олиш йўлида

Ёнғин инсон ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига хавф солувчи офатдир. Ана шу офатнинг олдини олиш йўлида тегишли чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, шу кунларда юртимизда ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича "Долзарб 30 кун" тадбири доирасида тегишли ташкилотлар билан биргаликда кенг қамровли профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Мазкур тадбирда ёзги дам олиш, соғломлаштириш, ижтимоий ва иқтисодий, ёниш-портлаш хавфи юқори бўлган ҳамда бошқа масканларда, шунингдек, йирик бозорлар, савдо комплекслари ва одамлар кўп йиғиладиган жойларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши юзасидан, шу билан бирга кўп қаватли турар жойларда ва яқка тартибдаги фуқаролар яшаш ҳонадонларида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича ўзига керакли тавсияларни акс эттирган эслатма ва бошқа турдаги тарғибот материаллари тарқатилмоқда.

Мақсад – ҳамюртларимиз ҳаётини, мол-мулкни асрашдир. Огоҳ ва ҳушёр бўлсак, турли хил кўнгилсизликларнинг олдини олган бўлаемиз.

Максадбек АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси
бўлим бошлиғи, майор.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihidin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 737. 3328 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.